

РАХИМДЖАНОВ Дурбек Абиджанович,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси доценти
durbekr@yahoo.com

Рысбекова Лаззат Касымбековна,
А.Яссавий номидаги қозоқ-турк халқаро
университети

АБУ ХАФС НАСАФИЙ “КИТОБУ- Л-ҚАНД” АСАРИНИНГ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

РУКОПИСИ КНИГИ АБУ ХАФСА НАСАФИ «КИТАБУ-ЛЬ-КАНД»

MANUSCRIPTS OF THE BOOK OF ABU HAFSASAFI “KITABU-L- KAND”

Аннотация. Ушбу мақолада ўрта асрлар қомусий олими Абу Ҳафс Насафийнинг ноёб манбалардан саналган “Китобу-л-қанд” асари ва унинг қўлёзмалари ҳақида атрофлича маълумот берилган. Шунингдек, қўлёзмалар дунёнинг қайси кутубхоналарида қандай ҳолатда сақланаётгани ва уларнинг мазмун-моҳиятига тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: Китобу-л-қанд, Абу Ҳафс Насафий, Туркия, Франция, Абдулжалил Самарқандий

Аннотация. В этой статье представлена подробная информация о произведении «Китабу-л-қанд» («Книга сладости») средневекового ученого-энциклопедиста Абу Хафса Насафи, которое считается одним из редчайших источников. Автор статьи также рассматривает место хранения рукописей данного произведения в библиотеках мира, а также их содержание.

Ключевые слова: Китабу-л-қанд, Абу Ҳафс Насафи, Турция, Франция, Абдулжалил Самарқанди.

Annotation. This article provides detailed information about the book of the medieval encyclopedist Abu Hafs Nasafi “Kitabu-l-qand” and his manuscripts, which are considered to be from rare handwritten sources. The article talks about which libraries in the world and in what condition the manuscripts of this book and its contents are stored.

Keywords: Kitabu-l-qand, Abu Hafs Nasafi, Turkey, France, Abduljalil Samarkandi.

КИРИШ

Абу Ҳафс Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи маърифат уламо Самарқанд» китоби манбалар орасида VIII-XII асрларда Мовароуннаҳрда фаолият юритган олимлар ҳақида кўплаб қимматбаҳо маълумотларни тўплаган асарлардан биридир. Унда 1232 нафар мовароуннаҳрлик уламанинг таржимаи ҳоли берилган. Улар VIII-XII асрларда турли илм соҳаларида фаолият олиб борган. Мазкур китобга ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти Самарқанд шаҳри билан боғлиқ бўлган уламоларнинг номлари киритилган. Шу билан бирга, асарда Дабусия, Кушония, Кеш ҳамда Насаф каби шаҳар ва қишлоқлар билан боғлиқ уламоларнинг таржимаи ҳоллари кўплаб учрашини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

АСОСИЙ ҚИСМ

Абу Ҳафс Насафийнинг «Китоб ал-қанд» асарининг нодир қўлёзмаси 1967 йилда Истанбулнинг «Сулаймония» кутубхонасида сақланаётгани аниқланди. Қўлёзма нусхасининг бошидан 6 боби, охиридан ҳам 6 боби йўқолгани боис асар ҳақида аниқ маълумотни олиш имконияти йўқ эди. Китобнинг номи ва муаллифи унинг матнини тадқиқ этиш натижасида аниқланди.

«Turhan Valde» фондида 70-рақам остида сақланаётган бу қўлёзмани ўрганган тадқиқотчи Фуод Сизгин уни мустақил асар эмас, балки «Тарих Самарқанд» китобига ёзилган «Зайл» (давом, қўшимча) деб тавсиф қилди. Дарҳақиқат, қўлёзмада Насафдан чиққан таниқли олим Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад Мустаффирий (в. 1041) номи ва у томонидан ёзилган мазкур «Тарихи Самарқанд» асаридаги маълумотлар кўплаб учрайди. Тадқиқотчи қўлёзманинг Насафийга тегишли эканини қайд этган бўлса-да, аммо асар номини «ал-Қанд фи тарих уламо Самарқанд» («Самарқанд уламолари тарихи ҳақида ширинлик китоб») деб атаган. Тадқиқотчининг бу хулосага келишига асарда Мустаффирий номининг кўп ўринларда (169 ерда) зикр этилгани сабаб бўлган бўлиши мумкин. Аслида эса «Китоб ал-қанд» асари «Тарихи Самарқанд»нинг «Зайл»и (давом)и эмас, балки унинг маълумотларидан фойдаланиб ёзилган мустақил китобдир.

Принстон университети кутубхонасидаги Шарк қўлёзмалари бўлими сақловчиси

Ж.Уайнбергер Париждаги Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган «Arabe 6284» рақамли бир қўлёзмани ўрганиб чиқди. 1925 йилда Ғарб тадқиқотчиси Э.Блоше томонидан нашр этилган кутубхона каталогида бу қўлёзма шундай тавсиф қилинган эди: «Боши ва охири йўқ бўлган Мовароуннахр ҳадисчилари биографик қомусининг нотўлиқ бир бўлаги; доимо Насаф, Самарқанд, Бухоро, Исфажоб зикр қилинади...».

Ж.Уайнбергер бу қўлёзма Муҳаммад ибн Абдулжалил ас-Самарқандийнинг (XII аср) Абу Ҳафс Насафий асаридан қилган сайланма – «Мунтахаб Китоб ал-қанд» асари эканини аниқлади.

Муҳаммад ибн Абдулжалил Париж ва Истанбул нусхаларини солиштириб чиқиб, «XII аср Мовароуннахрга оид икки биографик қомуснинг муаллифлиги» номли мақоласини ёзди. Унда Истанбул қўлёзмасининг мустақил асар эканига аниқлик киритган. Тадқиқотчи мақолада ушбу қўлёзма муаллифи ўзига манба сифатида фойдаланган асарларни кўрсатиб ўтди. Маълум бўлишича, муаллиф Мустағфирий, Абу Саъд Идрисий асарларидан ва бошқа биографик қомуслардан кўп мартаба фойдаланган. Бу илк ислом давридан то XII асргача Самарқандда яшаб ижод этган муҳаддис олимларнинг таржимаи ҳолларини ўзида жам этган асар экани маълум бўлди.

Абу Ҳафс Насафий асарининг номи турли манбаларда қуйидагича фарқли шаклларда учрайди:

- 1) «Китоб ал-қанд фи маърифат уламо Самарқанд»;
- 2) «Китоб ал-қанд мин уламо Самарқанд»;
- 3) «Китоб ал-қанд фи зикр уламо Самарқанд»;
- 4) «ал-Қанд фи тарих Самарқанд»;
- 5) «ал-Қанд фи тарих уламо Самарқанд».

Бу номлар ичида «Китоб ал-қанд фи маърифат уламо Самарқанд» вариантыни энг тўғриси деб қабул қилиш мумкин. Чунки Абу Ҳафс Насафийга замондош бўлган Абу Саъд Самъоний асарни айнан шу ном билан атаган.

Туркия қўлёзмаси ҳақида хабар топган ношир Назар Муҳаммад ал-Форёбий 1991 йили уни чоп этди. Бу нашр баъзи хато ва камчиликлардан холи бўлмаса-да, у кенг китобхонлар оммасига мазкур асар билан яқиндан танишиш имкониятини яратди. Ушбу

нашрдаги нуқсон ва камчиликлар келажакда «Китоб ал-қанд»нинг илмий-танқидий матнини тайёрлашни тақозо этади.

1999 йилда ливанлик тадқиқотчи Юсуф ал-Ҳодий «Китоб ал-қанд» асарининг танқидий матнини яратди. Ношир бу ишни амалга оширишда икки қўлёзма – Истанбул ва Париж нусхаларидан фойдаланди. У китобнинг янги нашри охирида исмлар, жой номлари, тарихий воқеалар ва бошқа рўйхатларни кўрсаткич (фихрист) сифатида бериб, асарни фойдаланиш учун қулай ҳолатда чоп эттирди. Бу нашрда аввалгисида йўл қўйилган тахририй хатолар тузатилган. Лекин ношир икки алоҳида қўлёзма – Париж ва Истанбул нусхалари бўлган «ал-Қанд» ва «Мунтахаб»ни битта яхлит китоб шаклида жамлаши тўғри бўлмаган. Умуман олганда, бу иш китобхонларни айрим хато ва камчиликлар билан бўлса-да, икки қимматбаҳо асар билан танишиш имкониятига эга қилди.

2001 йилда «Китоб ал-қанд» Усмонхон Темурхон ўғли ва Бахтиёр Набихон ўғли томонларидан ўзбек тилига қисқартирилган ҳолда таржима қилиниб, «Самарқандия» номи остида оммабоп тарзда нашр этилди. Натижада, ўзбек китобхонлари ҳам бу асар билан қисман бўлса-да танишиш имкониятига эга бўлдилар. Қўлёзманинг арабча нашрларидаги хатоларни тузатган ҳолда келгусида икки қўлёзманинг алоҳида-алоҳида тарзда танқидий нашрларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Абу Ҳафс Насафийнинг «Китоб ал-қанд» асари ҳадис илмининг «илм ар-рижол» (ровийлар илми) соҳасига тегишли тарихий-биографик жанрдаги асардир. Тарихий-биографик асарлар араб адабиётида жуда кенг тарқалган. Мусулмон жамиятининг ўрта асрлардаги диний маданияти тарихини ўрганишда улар катта аҳамиятга эга. Бу жанрдаги илк асарлар VIII аср охири-IX аср бошларида ёзила бошлади.

«Китоб ал-қанд» асарида уламоларнинг исмлари ўзига хос тарзда араб алифбоси тартибида жойлаштирилган. Унда исмлар бош ҳарфига кўра гуруҳларга жамлаб, гуруҳлар алифбо бўйича тартибланган. Масалан, Халид, Халаф ва шу каби исмлардан сўнг Довуд, Заквон исмлари келади. Аммо гуруҳлар ичидаги бир хил ҳарф билан бошланган исмлар ўзаро

алифбо тартибида эмас, балки шахсларнинг ислом тарихида эгаллаган мавқеи даражалари, яшаб ўтган даври ёки мазкур кишиларга номдош бўлишига кўра жойлаштирилган. Масалан, араб алифбосига кўра Қутайба ибн Муслим (704-715) номи Қусам ибн ал-Аббос (в. 675 йилдан кейин) номидан олдин келиши керак эди, аммо асарда Қутайбанинг таржимаи ҳоли тарихийликка кўра Қусамдан кейин келтирилган. Бундан ташқари, Али исмли уламоларнинг номлари, илк халифаларнинг хронологиясига мос равишда, Умар ва Усмон исмли шахслардан кейин жойлаштирилган ва ҳ.к. Асарда тартиб исмлар бўйича бўлса-да, номдан аввал олимнинг лақаб ва куняси берилган. Масалан, «Али ибн ал-Хусайн» биографияси – «аш-Шайх ал-Имом Абул Ҳасан Али ибн ал-Хусайн» тарзида берилган. Бу эса алифбо тартиби бўйича бирор номни қидириб топмоқчи бўлган киши учун муайян қийинчилик туғдиради.

«Китоб ал-қанд» асари номида «Самарқанд уламолари» дейилган бўлса-да, китобда нафақат бу шаҳарга алоқадор шахслар, балки Сўғд вилоятидаги қишлоқлар, кичик шаҳарлар, жумладан, Насафга тегишли бўлган уламоларнинг таржимаи ҳоллари ҳам ўрин олган. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Абу Ҳафс Насафий «Самарқанд» номи остида ўша даврдаги «Сўғди Самарқанд»ни назарда тутган. Асарнинг бу йўналишда ёзилишига маълум даражада унинг манбалари ҳам таъсир этган.

«Китоб ал-қанд фи маърифат уламо Самарқанд» ўзининг манбаларига кўра шартли равишда икки қисмдан иборат: 1) олтмишдан ортиқ ёзма манбалардан кўчирилган таржимаи ҳоллар; 2) XI-XII асрларда яшаган ва Самарқанд маънавий муҳити билан боғлиқ юзлаб муҳаддислар ҳақидаги маълумотлар. Ушбу рақамлар Абу Ҳафс Насафийнинг юзга яқин муҳаддис билан бевосита мулоқотда бўлганига гувоҳлик беради.

Ҳар бир номдан кейин уламанинг мазкур минтақадан чиққанини билдириш учун унга «ас-Самарқандий» насаби берилади. Агар номи зикр этилаётган олим самарқандлик, кешлик ёки насафлик бўлмаса, унинг қайси жиҳатдан бу шаҳарлар билан алоқадорлиги ҳақида қўшимча маълумот келтирилади. Кейин мазкур олимнинг туғилган ва вафот этган саналари,

устоз ва шогирдлари ҳақида қисқача муҳим маълумотлар берилади. Шундан сўнг у ривоят қилган бир ёки бир неча ҳадис матни исноди (ровийлар занжири) билан берилади. Тарихда машҳур бўлган Қусам ибн Аббос, Қутайба ибн Муслим, Абу Муслим каби шахслар ҳақида анча батафсил тўхталиб, улар ҳақида иложи борица кенгроқ маълумот келтирилади. Ундан кейин эса, у ривоят қилган бир эмас, бир неча ҳадис матни ва ҳадис иснодлари санаб ўтилади.

«Китоб ал-қанд» асари бизгача етиб келмаган айрим манбаларда мавжуд бўлган маълумотларни бериши билан ҳам кадрлидир. Масалан, Мовароуннаҳрда энг аввал яратилган машҳур тарихий-биографик асарлардан бири Абу Саъд Абд ар-Раҳмон ибн Муҳаммад ал-Идрисийнинг (в. 1015) «Китоб ал-камол фи маърифат ар-рижол мин уламо Самарқанд» («Самарқанд уламоларидан ҳадис ровийларини билиш бўйича мукаммал китоб») китобидир. Бу Самарқанд уламолари ҳақида ёзилган бебаҳо манба бизгача етиб келмаган бўлса-да, ундаги маълумотлар кейинги давр муаллифларининг, хусусан, Абу Ҳафс Насафийнинг «Китоб ал-қанд» асарида сақланиб қолган. Насафий ўз асарида бу манбадан 421 ўринда фойдаланган. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Идрисий асарининг асосий қисми «Китоб ал-қанд»да сақланиб қолган. Насафий ўз китобига Идрисий асарини тўлиқ киритгани сабабли бирламчи манбага эҳтиёж қолмай унинг нусхалари йўқолиб кетган бўлиши ҳам мумкин.

Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустаффирийнинг (в. 1041) Насаф тарихи бўйича ёзган асари ҳақида ҳам юқорида келтирилган мулоҳазаларни билдириш мумкин. Чунки бу асар ҳам бизгача етиб келмаган ҳисобланиб, Абу Ҳафс Насафий «Китоб ал-қанд» асарида 169 ўринда ал-Мустаффирийдан ривоят қилади.

«Китоб ал-қанд» ўзидан аввалги манбалардаги маълумотларни сақлаб қолганидек, кейинги асарлар ҳам унинг йўқолган қисмларини ўзида мужассам қилган. Масалан, Абу Бақр Аҳмад ибн Али ал-Хатиб ал-Бағдодий (в. 1071) «Тарихи Бағдод» китобини ёзишда Абу Саъд Идрисийдан ал-Хусайн ибн Муҳаммад ал-Муаддиб орқали 38 ўринда иқтибос келтирган. Абу Ҳафс Насафий ҳам айнан Идрисийнинг асарида фойдаланган. Шунинг учун «Тарихи Бағдод»даги Самарқанд

уламоларига тегишли маълумотлар «Китоб ал-қанд»да ҳам мавжуд. Демак, Насафий асарининг йўқолган қисмларини тиклашда Хатиб Бағдодийнинг китобидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари, «Китоб ал-ансоб» асарининг муаллифи Абу Саъд Самъоний Абу Ҳафс Насафийни ўз устозлари қаторида санаб, унинг «Китоб ал-қанд»дан жуда кўп жойда фойдаланган. Ас-Самъоний 27 жойда Абу Ҳафс Насафий номини тилга олиб, у ҳақда маълумотлар беради. Шунинг учун ҳам, «Китоб ал-ансоб» асари «Китоб ал-қанд» маълумотларини тўлдиришда асосий манбалардан биридир. Ибн ан-Нажжор номи билан машҳур Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Бағдодий (в. 1245) «Зайли тарихи Бағдод» («Тарихи Бағдоднинг давоми») асарида Абу Ҳафс Насафийнинг шогирди Самъонийнинг маълумотларидан фойдаланади. Ибн Нажжорнинг асари ҳам Самарқанддаги ҳадис илми тарихини тадқиқ этишда қўшимча манбалар қаторида туради.

Муҳаммад ибн Абдулжалил Самарқандийнинг Абу Ҳафс Насафий асаридан сайланма тарзида яратган «Мунтахаб»и «Китоб ал-Қанд»ни тиклаш учун зарурий манба ҳисобланади. Чунки «Китоб ал-қанд» каби бизгача нотўлиқ ҳолда етиб келган бу асарнинг қўлёзмаси асл манбани қисман (айн бобини) такрорлайди ва қисман (алифдан жим бобигача) тўлдиради. Иккала асарда ҳам мавжуд бўлган қисмларни солиштириб чиқиш натижасида шу нарса аён бўлдики, Муҳаммад ибн Абдулжалил «Китоб ал-қанд»дан «интиҳоб» («сайланма») қилиш давомида ўзи лозим топмаган таржимаи ҳолларни тушириб қолдирган. Шу билан бирга, кўп жойларда Насафий асаридаги таржимаи ҳолларни асл манбадан фарқли тартибда жойлаштирган. Айрим ҳолларда таржимаи ҳоллари берилган уламоларнинг фақат номларини санаб ўтиш баробарида Насафий асарида мавжуд бўлмаган таржимаи ҳолларни ҳам қўшган.

ХУЛОСА

Юқорида номлари зикр этилган манбаларни ўрганиш «Китоб ал-қанд» асарини тўлдириш, юртимиз алломалари ҳақидаги маълумотларни

янада мукамалроқ билиш ва уларнинг маънавий меросидан баҳраманд бўлиш имконини беради.

«Китоб ал-қанд» ўзининг кўп қиррали, кенг қамровли ва тарихий маълумотларга бой экани билан муаллифнинг бошқа асарлари орасида алоҳида ўрин тутади. Шу сабабли ҳам уни олимнинг «шоҳ асари» дейиш мумкин.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний. ал-Ансоб: 5 жилдли / Абдуллоҳ Умар ал-Борудий таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-фикр, 1998.
2. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Ан-Насафий. ал-Қанд фи зикр уламо Самарқанд / Назар Муҳаммад ал-Форйобий таҳрири остида. – Саудия Арабистони: Мактабат ал-Кавсар, 1991. – 622 б.
3. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий. Китоб ал-қанд фи зикр уламо Самарқанд / Юсуф ал-Ҳодий таҳрири остида. – Техрон: Ойина-йи мирос, 1999. – 877 б.
4. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Ан-Насафий. Тилбат ат-талаба. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1997. – 351 б.
5. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн ан-Нажжор ал-Бағдодий. Зайл Таърих Бағдод / Мустафо Абд ал-Қодир Ато таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1997. – Т. 20. – Б. 98-100.
6. Аллоқулов А.А. “Ақоид” асари ва унинг шарҳлари таҳлили: тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2018. – 153 б.
7. Муратов А.А. Абу Ҳафс Насафий “ат-Тайсир фи илмит-тафсир” асарининг манбашунослик тадқиқи: исломшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2021. – 180 б.
8. Муҳаммадаминов С.А. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Матла ан-нужум ва мажма ал-улум” асари ва унинг Марказий Осиё ислом илмлари ривожига тутган ўрни (XI аср охири - XII аср ўрталари): тарих ф.н. ... дисс. – Тошкент: ЎзР ФАШИ, 2012. – 194 б.
9. Cureton W. Pillar of Creed of the Sunnites. – London. – 1843. – 66 p.
10. Weinberger J. The Authorship of Two Twelfth Century Transoxanian Biographical Dictionaries // Arabica. – 1986. – № 33. – Б. 369-382.